

## ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ТУШУНЧАСИ

*Болтаев Жонибек Хамидович*

*ИИБ Академияси магистратура тингловчиси*

**Таянч тушунчалар:** ёшлар жиноятчилиги ва ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларни барвақт олдини олиш тушунчалари, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, жиноятчилик даражаси.

**Аннотация.** Мақолада ёшлар жиноятчилиги, ва ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларни барвақт олдини олиш тушунчаларига оид олимлар ва мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

### КОНЦЕПЦИЯ РАННЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

**Основные понятия:** Понятия о молодежной преступности и ранней профилактике молодежной преступности, молодежной преступности и преступности, уровень преступности.

**Аннотация.** В статье научно анализируются мнения и мнения ученых и специалистов относительно понятий преступности несовершеннолетних и ранней профилактики правонарушений, совершаемых молодыми людьми.

### CONCEPT OF EARLY PREVENTION OF YOUTH CRIME

**Key words:** Concepts of youth crime and early prevention of youth crime, youth delinquency and crime, crime rate.

**Annotation.** In the article, the opinions and opinions of scientists and experts regarding the concepts of juvenile delinquency and early prevention of delinquency committed by young people are scientifically analyzed.

Маълумки, ёшлик ҳар бир инсонга бир марта бериладиган неъмат бўлиб, унинг қадрига етиш, давлат ва жамиятга ўзининг илму-марифати билан наф келтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу неъматдан унумли фойдаланиб, ўзининг илмий ва маънавий салоҳиятини ошириб борган инсон ўз зиммасидаги энг олий вазифани уддалаган ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши

курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кенг камровли профилактик чора-тадбирлар амалга оширомоқда.

Шунга қарамай улар томонидан жиноятларнинг содир этилиши учраётгани, мамлакатимизда жиноят содир қилган шахсларнинг ҳар учинчисини ёшлар ташкил қилаётгани ачинарли ҳолдир. Жиноятчилик жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий салбий ҳодисадир. Инсоният, жамият жиноятчилигининг зарарли оқибатларидан азият чекиб келганлиги сабабли жиноятчиликка қарши курашиш муаммосини ўрганиб, унинг олдини олишга ҳаракат қилиб келади. Аммо аксарият ҳолларда жиноятчилик муаммосини ўрганишнинг асосий мақсади содир қилинган жиноятни аниқлаш ва айбдорни жазолаш билан кифояланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳуқуқ назарияси ва қонунчиликда ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва унинг барвақт олдини олиш амалиётида «ёшлар жиноятчилиги», «жиноят», «жиноятчилик», «ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш», «ёшлар жиноятчилигининг профилактикаси» каби мазмунан ўзаро алоқадор бўлган тушунчалар мавжуд.

Криминологик адабиётларда «ёшлар жиноятчилиги» тушунчасига оид қарашлар шаклланган бўлсада тадқиқ этилаётган масалага нисбатан бугунги кунга қадар ягона ёндашув мавжуд эмас. Таҳлил қилинаётган тушунчанинг умумий ҳуқуқ назарияси ва қонунни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда ушбу атама таърифининг очик қолганлиги, унинг мазмуни, амал қилиш доирасини белгилаш имконини пасайтиради.

Бу эса, ўз навбатида «ёшлар жиноятчилиги» тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини ҳар тарафлама чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтиради. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқий институт сингари ёшлар жиноятчилигининг илмий-назарий асосларини пухта ишлаб чиқиш, амалиётда жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олишда муваффақиятли ва самарали ишлашининг гарови бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида ёшларнинг сон жиҳатидан салмоғининг ошиб бораётганлиги уларни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш масаласи долзарб эканлигини кўрсатмоқда. «...бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиардни ташкил этмоқда. Жаҳон тарихида илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган»<sup>1</sup>.

2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига республиканинг доимий аҳолиси сони 36.963.262 кишини ташкил этган. Мамлакат аҳолиси 2024 йил бошидан буён 163,5 минг кишига кўпайган. Ўзбекистон аҳолиси 2024 йилнинг ҳар бир ойида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view>.

ўртача 54,5 минг кишига ошган бўлиб, ҳар бир кунида доимий аҳоли сони ўртача 1,8 минг кишига кўпаймоқда<sup>2</sup>.

Ёшлар жиноятчилиги тушунчасини ўрганиш ва уни таҳлил қилишдан олдин «жиноятчилик» тушунчасининг моҳиятига аҳамият бериш лозим.

«Жиноятчилик» тушунчаси криминологиянинг энг муҳим ва кенг қамровли тушунчасидир. Унга камида икки нуқтаи назардан: формал миқдорий (статистик) ва сифат (социологик) томонлардан ёндошиш мумкин.

«Жиноятчилик» тушунчаси унинг сифати ва мазмуни нуқтаи назаридан ўрганилиши муҳим. Шунингдек, у криминология предмети би-лан узвий боғлиқлиги сабабли, жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва умуман криминалистика жиноят шакллари ўрганиш билан чеклана-ди ва шу боисдан муайян қилмишни давлат томонидан тартибга со-лиш, уни жиноят-ҳуқуқий, жиноят процессуал ва криминалистика ме-зонларига кўра баҳолаш муаммоларини ишлаб чиқади. “Криминология” фани эса жиноятчилик мазмуни (моҳияти)ни ўрганеди. Шу нуқтаи назардан «жиноятчилик» тушунчаси унинг жамият тарақиёти, энг аввало, унинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муносабатлари ҳолати билан боғлиқ объективлигини акс этиради.

«Жиноятчилик» – муайян ҳудуд (мамлакат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бирлиги)да, маълум давр (ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил, икки йил ва бошқ.)да содир этилган барча жиноятлар мажмуини ўз ичига олган, белгиланган миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган, яширин хусусиятга эга нисбатан оммавий, объектив, тарихий ўзгарувчан, ижтимоий хавфли, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса»дир<sup>3</sup>.

В.М.Коган жиноятчиликнинг ижтимоий хоссаларини ўрганиб чиқиб, унга «муайян жойда, муайян вақтда содир этилган барча жиноятлар ҳамда ушбу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган жиноятчилар мажмуи», деб таъриф беради.

Жиноятчилик жиноят-ҳуқуқий ҳодисадир, чунки унинг таркибидан ўрин олган жиноятлар доираси амалдаги жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади. Биз жиноятчилик тўғрисида сўз юритганимизда, давлат томонидан тан олинган ижтимоий-хавфли ва ғайриҳуқуқий қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракат сизлик) мажмуидан келиб чиқамиз. Шундай қилиб, жиноятчилик бир қанча ўзига хос белгиларга эга. Булар: нисбатан оммавийлик, тарихий ўзгарувчанлик, объективлик, ижтимоийлик, жиноят-ҳуқуқийлик, у ёки бу давлатда муайян даврда содир этилган барча жиноятларнинг умумий миқдори.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, у ўзи истиқомат қилаётган ижтимоий муҳитдаги тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда яшашга мажбурдир. Уларга

<sup>2</sup> <https://kun.uz/kr/88867536>.

<sup>3</sup> Абдурасулова Қ., Исмаилов И., Фозилов И. Криминология дарслик. –Т., 2015. –Б. 134.

бўйсунмаслик, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик ёки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар эса инсоннинг ижтимоий тартиб, қоида ва талабларга зид бўлган хулқ-атвори натижасидир.

Жиноятчилик ҳодисасини бир бутун деб оладиган бўлсак, ёшлар жиноятчилиги унинг ажралмас, асосий қисми ҳисобланади. Чунки ўсмирлик ёшидан бошланган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик баъзан кишига бутун умр ҳамроҳ бўлиши мумкин. Шу боисдан дунё миқёсида ёшлар жиноятчилиги муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда<sup>4</sup>.

Ёшлар жиноятчилиги ҳақида юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, «ёшлар жиноятчилиги – муайян макон, минтақада маълум давр ичида ёшлар (14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар) томонидан содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий ҳодисадир».

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида «Ёшлар – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир», деб ҳуқуқий таъриф берилган. Демак, ёшлар аҳолининг ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган қатлами бўлиб, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳиссаси аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз юритишдан олдин, авваламбор, ёшларнинг ўзини, уларнинг онги, хулқ-атвори, ижтимоийлашув даражаси, шаклланиши, ривожланиши ва тарбиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар жиноятчилиги жамият ҳаёти учун ижтимоий хавфли ҳодисадир. Чунки у:

- жамият тараққиётига, иқтисодий ислоҳотларга ва давлат бошқарувида тўсқинлик қилади;
- жамият сокинлигини, жамоат тартибини ва аҳолининг осойишта ҳаёт кечиришини бузади, ижтимоий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиради;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига, ижтимоий ҳаётнинг ёмонлашуви ва ижтимоий институтларнинг беқарорлигига олиб келади;
- жамият аъзоларига келтираётган моддий, маънавий ва жисмоний зарари билан инсонларда ишончсизлик, ваҳима, кўркув ҳиссини уйғотади;

<sup>4</sup> Умирзаков Б.А. вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2021. – Б. 199.

– мустаҳкам фикрга эга бўлмаган шахсларнинг тенгдошларининг хулқ-атворини бузади, уларни жиноят содир этишга ундайди;

– жиноятиликнинг сабаб ва шароитларини янада кучайтиради ва ҳоказо.

Криминология фанида ёшлар жиноятчилиги ижтимоий ва жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганилади ҳамда алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилади.

Ижтимоий ҳодиса сифатида ёшлар жиноятчилиги жамият ижти-мой муносабатларининг маҳсули сифатида тарихан ўзгарувчандир. У жамиятнинг ривожланиши билан ҳам миқдор ва сифат жиҳатидан ўз-гариб боради.

Ёшлар жиноятчилиги жиноятлар таркибидан иборатдир. Жиноятлар Жиноят кодекси билан белгиланади ва тарбига солинади. Шундан келиб чиқиб ёшлар жиноятчилиги жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганилади.

Жиноят деб - кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖК 14-модда)<sup>5</sup>.

Шу боисдан, ёшлар жиноятчилигининг криминологик жиҳатларини ўрганиш ва унинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг кучайтирилиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар жиноятчилигининг криминологик жиҳати шундаки, ёшлар жамиятда ўз ўрни ва мавқеъини топадиган бир пайтда уларнинг салбий хулқ-атворга эга бўлиши ёки уларнинг оилада, мактабда, муайян муҳит ва жамоада олган таълим-тарбиясини издан чиқиб уларнинг жиноят кўчасига кириб кетиши билан хавфли ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшлар жиноятчилигини мавжудлиги ҳам мамлакатдаги криминоген вазиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки, демократик принципларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат, энг аввало, асосий эътиборни баркамол авлоднинг тарбиясига қаратади.

Халқнинг эзгу орзу-умидларини ўзида мужассам этган ушбу олий мақсадни рўёбга чиқариш йўлида муносиб ворисларни тарбиялаш орқали жамиятнинг ривожига ҳисса қўшади. Буюк маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур» , деган сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Таъкидлаш керакки, ёшлар ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги билан бошқа қатламдаги ёшлардан ўзининг хулқ-атвори, фикрлашиши ва хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўрганишлар ва таҳлилларга кўра, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёшларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- носоғлом турмуш-тарзи кечирувчи оилада тарбияланган салбий ҳуқ-атворга эга бўлганлар;
- муайян касб-ҳунарга эга бўлмаган ҳеч қаерда ишламайдиганлар;
- моддий жиҳатдан етишмовчиликда яшайдиганлар;
- мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи шахслар;
- ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мойиллиги бўлганлар;
- илгари судланган ва салбий ҳуқ-атворга эга бўлганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар хусусида билдирган фикрларида ишламаслик, ўқимаслик, тайин бир машғулотга эга бўлмаслик, салбий таъсирларга берилувчанлик хусусиятлари уларга хослигига алоҳида урғу берган бўлишига қарамасдан, ёшлар жиноятчилиги тушунчасига нисбатан аниқ таъриф ишлаб чиқилмагани ва мазкур тоифа ёшлар билан ишлашга доир аниқ чора-тадбирларнинг белгиланмагани ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг таҳлили жиноят содир этишга мойил бўлган ёшларнинг ҳисобини юритишда аниқлик етишмаётганини, ушбу тоифага кимлар кириши ҳамда улар билан қандай ишлар ташкил этилиши ҳақида аниқ концепция мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Ёшлар жиноятчилигига олиб келувчи криминоген омиллар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим:

- а) иш билан банд бўлмаганлиги;
- б) ўқиш билан банд бўлмаганлиги;
- в) тайин бир машғулотга эга бўлмаганлиги);
- г) «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилишга мойиллиги ва бошқ.

Ёшларга хос хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга эмаслик;

ижтимоий фаоллиги, сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданият даражаси пастлиги; ишламаслик ёки ўқимаслик (ҳарбий хизмат ва жиноий жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно);

тайин бир машғулотга эга бўлмаслик;

салбий таъсирларга, шу жумладан «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилувчанлик;

ижтимоий ҳаётда муайян аниқ мақсадга эга бўлмаслик;

ўн тўрт ёшга тўлганлик ва ўттиз ёшдан ошмаганлик.

Шу ўринда, ёшларга хос бўлган биргина хусусият, яъни ишсизликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталганда айтиш керакки, у жинойтчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни озиқлантиради ва ўсишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ёшлар ўртасида жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири оиладаги носоғлом муҳит ва таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг хулқ-атвориغا нисбатан эътиборсизлик ҳисобланади. Бунда ҳар бир ота-оналар фарзанд тарбиясига ҳамда таълим муассасаларнинг масъуллари тарбияланувчиларнинг хулқ-атвориغا алоҳида масъулият билан ёндашиши лозим.